

## ТОПОНИМЛАРНИНГ КОГНИТИВ ВА МАДАНИЙ МАВЌЕИ

С. Анорқулов<sup>1</sup>*Аннотация:*

Мақолада топонимларнинг лингвомаданий аҳамияти очиб берилган. Топонимлар ўз ичига нафақат семантик маъно балки маданий маънони ўз ичига олувчи лингвокультуреманинг бир тури сифатида талқин этилади. Топонимлар маълум бир лингвомаданиятнинг турли хил диний ва мифологик қарашлар, халқ афсоналари ва ривоятлари, тарихий фактларни ўзида акс этадилар.

*Калит сўзлар:* тапоним, лингвокултурология, маданий мавқий, атоқли отлар.

*doi:* <https://doi.org/10.2024/tsibeq58>

Бугунги кунда долзарб мавзу сифатида қаралаётган жой номлари, узоқ йиллар давомида ономастик ҳодисаларни анъанавий ёндашув асосида ўрганиш жараёнида топонимларнинг онгда шаклланган ва ахборот ифодасига йўналтирилган семантикасини лисоний белги сифатида тадқиқ қилиш тадқиқотчилар диққат марказида бўлмаган. Топонимларни ўрганишнинг анъанавий ёндашуви уларни асосан тил системасида кўриб чиқишга таянади. Мазкур ҳолатда топонимларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг этимологияси, тарқалиш ҳудуди, структур-семантик таснифи, структур сўз яшаш характеристикалари тадқиқотчилар диққат марказида бўлади. Маънони тилда кодлаш ва уни тил воситасида узатиш жараёнлари оламнинг инсон томонидан қабул қилиниши ўзига хосликларга асосланиши ҳамда категориялаш амалиётига, жараёнларига чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурлар эътибордан четда қолади. Аммо бизнинг фикримизча, замонавий ономастик назария топоним шакллариининг тил тизимидаги ўзига хослигини тушунтириб берувчи ҳамда ушбу бирликларнинг концептуал мазмунни тилда ифодаланишидаги ролини очиб берувчи когнитив жараёнларни таҳлил қилмасдан тўлақонлилик касб этолмайди.

Ушбу фикрлар АОларни (атоқли отлар) ономастик билимлар яхлит системасини билиш ва акс эттириш контекстида, яъни когнитив ёндашув доирасида ўрганиш эҳтиёжини юзага келтиради. Мазкур ёндашув асосида шундай тасаввур ётадики, унга кўра “тафаккур - тил - билим” учлиги (триадаси) мазмуни икки яққол фарқланувчи йўналишга бориб тақалади: биринчидан, тилни ўрганмасдан инсон билимини ўрганиб бўлмайди, иккинчидан, тил табиатини фақат инсон ва унинг оламидан келиб чиқиб изоҳлаш мумкин. Бундай ёндашув асосида тилни “инсон онгида фикрни шакллантириш ва ифодалаш, билимларни сақлаш ва ташкил этиш воситаси” сифатида тушуниш [Болдырев, 2004, б.19], онимлар типологиясида қандай ономастик билимлар акс этишини тушуниш ётади.

Когнитив тилшунослик ҳамда лингвокултурологияда қўлга киритилган муваффақиятлар АО тадқиқ қилишга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Анъанавий

<sup>1</sup> Анорқулов Санжар Искандарович, Ф.ф.д (PhD) доцент, Немис тили ва адабиёти кафедраси мудири, Самарқанд давлат чет тиллар институти

муаммолар янги нуқтаи назардан қайта кўриб чиқилиб, янги тушунчалар киритилиб, мавжудлари янгидан тушунилмоқда. АОларда нолисоний, яъни фондаги билимлар, ассоциациялар, тасаввурлар мажмуаси (тарихий, этнографик, маданий пландаги яширин маълумотлар) кўриб чиқила бошланди. АОнинг когнитив ҳамда лингвокультурологик аспектларига бағишланган қатор ишлар, хусусан Л.Дмитриева Е. Березович, Л. Давлеткулова, М. Голомидова, М. Рут, В. Нерознак, Е. Сизова ва бошқаларнинг тадқиқотлари шундан далолат беради.

АОлар инсон онгида сақланувчи ахборотга боғланиш манзиллари эканлиги, улар объект билан эмас, балки объект ҳақидаги ахборот билан боғланганлиги ҳақидаги фикрлар илк бор Э.Ханзакнинг тадқиқотларида келтирилган [Hansack, 2000, б. 276-277, б.367]. Ономастикага нисбатан когнитив ёндашув тарафдорлари АОларнинг маъносини “борлиқнинг инсон онгида инъикос этиши натижаси” сифатида кўриб чиқадилар [Карабулатова, 2001, б.94]. М. Голомидованинг фикрича, ономастик ҳодисаларнинг когнитив функцияси тафаккур жараёнида АОларнинг иштироки ҳамда уларнинг ҳам лисоний, ҳам энциклопедик билимларни сақлай олишида намоён бўлади [Голомидова, 1998, б.23-27]. Олима инсон АОларни ўзлаштирар экан, нафақат у ёки бу табиий объект ҳақида ахборотни қайд қилади, балки ушбу ахборотни инсоннинг дунёни англашида, унинг кўплаб фаолият турларида муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа моҳиятларга қиёслайди, деб таъкидлайди. Ономастик тадқиқотлар фокусининг инсон ва макон ҳақидаги билимларни вербаллаштиришдаги ўзига хослигига, яъни фикр вербаллашувига қаратилиши ономастик билимларнинг шаклланиш ва ифодаланиш турли усуларини ўрганиш имкониятини яратади. Ушбу ҳолатда ономастиканинг ўрганиш предмети тил воситаларидан ономастик реалияларни уларнинг маъно ҳосил қилишдаги иштироки нуқтаи назаридан ажратишга у ёки бу ҳудуд топонимиясида қайд қилинган реалияларни қабул қилиш ва тушуниш стереотипларини юзага чиқаришга кўчади.

Шу ўринда, тадқиқотчилар томонидан охириги йилларда қўлланувчи “ономастик ахборот” тушунчаси муҳим аҳамиятга молик. Қайд қилиш жоизки, “ономастик ахборот”, “атоқли от ҳақидаги ахборот”, “атоқли отнинг ахборотлилиги”, яъни АОнинг ахборот манбаи бўла олиш хусусияти [Агеева, 2004, б.11-20] ономастик адабиётларда топонимларни яратишда амал қилувчи когнитив ва лисоний номлаш механизмларини ўрганиш муаммосини ҳал қилишга бевосита алоқадордир. Н. Васильеванинг талқинича, “ономастик ахборот – сўзловчида АОлар ҳақида мавжуд бўлган (шаклланаётган) билимлар мажмуаси бўлиб, уларга тил бирлиги бўлган АО ҳақидаги ахборот, АО ташувчиси ҳақидаги ахборот, шунингдек ушбу АОнинг муайян тил соҳиби ёки мазкур маданий ҳамжамият учун ассоциациялари киради” [Васильева, 2005, б.20-30]. АОларни бериш жараёнида муайян ҳажмдаги ахборот тўпланади ва хотирага жойланади, улардан фойдаланганда эса ушбу ахборот мураккаб ассоциациялар занжири кўринишида юзага чиқарилади [Карабулатова, 2001, 2002]. Ўз навбатида, ономастик номинация алоҳида ҳодиса бўлмай, маълум ҳодисалар синфига киритилувчи муайян тафаккур операциясига бўйсундирилган жараёндир. Ономастик номлаш акс этувчи объект ёки шахс онгида унинг номи, атоқли от кўринишида бириктириш индивидуал актида реаллашади. Шундай қилиб, “ономастик билим” ёки “ономастик ахборот” деганда АОни ҳамда у билан боғлиқ барча нарсалар билиш тушунилади. Бу инсоннинг АОларни қўллаш борасида жамланган тажрибасини сақлаш ва акс эттириш бўйича билиш фаолияти натижасидир.

Тилнинг белги назариясига кўра кўплаб олимлар АОларни белгилар, ўзига хос рамзлар деб ҳисоблайдилар [О. Функе, 1924; С. Милль, 2011; М. Бреаль, 1897; Г. Суит,

1900], Ономастик бирлик белги сифатида исталган гуруҳдаги сўзларга мослашганлиги туфайли, тилдаги ҳар бир сўз АО, ўз навбатида ономастик белги бўла олади. Ономастикага когнитив ёндашув нуқтаи назаридан қараганда: икки аспектда (лисоний ва нолисоний) реаллашувчи, атоқли от ҳақида ономастик билимни намойиш этишга хизмат қилувчи [Щербак, 2007, б. 7-11], АО ҳақида билимни ташувчи ўзига хос ономастик белги унинг ўрганиш предмети бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ономастик белги АО ҳақида билимлар мажмуасини акс эттирувчи ҳамда инсон онгида ономастик (лингвистик ва экстралингвистик) билимнинг пайдо бўлиши учун хизмат қилувчи иккиламчи белги сифатидаги исталган атоқли от.

Топонимларнинг когнитив аҳамияти шундаки, улар ахборотни сақлаш, жўнатиш ва қайта ишлаш воситасидир. Зеро, топонимларда инсон тажрибасининг муайян парчаси ва унинг тушунилиши акс этади. Шундан келиб чиқиб, муносабат билан М.Горбаневский талқини билан айтганда, топоним “бир нечта информатив блоклардан таркиб топган, турли нутқий вазиятларда турлича ва турли ҳажмда долзарбланишчи қандайдир йиғиқ матн”дир [Горбаневский, 1996, б. 6-7]. Ҳар бир топоним ҳам лисоний, ҳам нолисоний ахборот таъсири остида шаклланади ва ўзида у ёки бу ахборотни ташийдир. Зеро, инсон объектга ном берар экан унга тарихий ёки маданий омиллар, табиий ёки географик ўзига хосликлар билан боғлиқ турли ахборотни юклайди. Айнан шунинг учун ҳар қандай топоним ўзи мавжуд бўлган замон, муҳит ҳақида маълумот бера олади, чунончи, топонимлар жамиятдаги ўзгаришларга таъсирчан бўлиб, ўтмиш ва бугунги кун инъикоси сифатида тарихий изоҳга эга. Географик номлар барқарор, улар асрлар давомида мавжуд бўлиб, авлодларни бир-бирига боғлайди, тилшунослар учун ёдгорлик ва муҳим ахборот манбаидир. Топонимлар шу ҳудудда яшаган инсонлар, халқларнинг дунёқарашини акс эттиради. Масалан, Л. Дмитриева топонимик система структурасига ментал ташкил этувчини қўшиш зарур деб ҳисоблайди: “Система ментал мавжудликда объектив реаллик билан бир хил бўлмаган, конкрет тарихий субъектив тажриба компоненти бўлган қисми сифатида баҳоланади ва тил соҳибининг лисоний онгига ва топонимик системага, ундаги топосистемага таъсир кўрсатувчи интенционал ва когнитив структураларга мурожаат қилишни тақозо этади”, негаки “топонимик система, энг аввало, конкрет бир инсоннинг онгида мавжуд” бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак топонимлар бунунги давр билан яшаб келаётган ва шу давргача ривожланиб бораётган ҳар қандай номга нисбатан маълум бир таъсир доираси бўлган тилшуносликнинг жонли бир қисми бўлиб ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- [1]. Юсупов Ў.Қ. *Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультура атамалари ҳусусида//Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. –Б. 55-61*
- [2]. Ashurova D.U, Galieva M.R. *Cognitive Linguistics. - Tashkent, VneshInvestProm, 2018*
- [3]. Ashurova D.U, Galieva M.R. *Text Linguistics. - Tashkent, Turon-Iqbol, 2016*
- [4]. Телия В.Н. *Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – 288 с.*